

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.02.2018.FM.60.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВ ВОХОБ РУСТАМОВИЧ

**КУБ СИММЕТРИЯЛИ ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАРДА БАЛЛИСТИК ВА
СИРТ ФОТОГАЛЬВАНИК ЭФФЕКТИ ҲАМДА ИККИ ЎЛЧАМЛИ
ЭЛЕКТРОНЛИ ҲОЛАТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАДҚИҚЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Расулов Вохоб Рустамович Куб симметрияли яримўтказгичларда баллистик ва сирт фотогальваник эффект ҳамда икки ўлчамли электронли ҳолатларнинг назарий тадқиқлари ..	3
Расулов Вохоб Рустамович Теоретические исследования баллистического и поверхностного фотогальванического эффекта и двумерных электронных состояний в полупроводниках кубической симметрии	19
Rasulov Voxob Rustamovich Theoretical researches of ballistic and surface photogalvanic effect and the state of two-dimensional electronic states in semiconductors of cubic symmetry	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	39

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.02.2018.FM.60.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВ ВОХОБ РУСТАМОВИЧ

**КУБ СИММЕТРИЯЛИ ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАРДА БАЛЛИСТИК ВА
СИРТ ФОТОГАЛЬВАНИК ЭФФЕКТИ ҲАМДА ИККИ ЎЛЧАМЛИ
ЭЛЕКТРОНЛИ ҲОЛАТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАДҚИҚЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/FM83 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Иброҳим Набиевич

физика-математика фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Имамов Эркин Зуннунович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Гулямов Гафур

физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.28.02.2018.FM.60.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz, Андижон давлат университети мажлислар зали.)

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30.)

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

С.З. Зайнабидинов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
раиси, ф.-м.ф.д., академик

А.О. Курбанов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, ф.-м.ф.н.

М.З. Носиров

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси
ўринбосари, ф.-м.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳозирги кунда яримўтказгичлар физикаси ва асбобсозлигининг интенсив ривожланишида куб симметрияли яримўтказгичлар муҳим ўрин эгаллайди. Бундай яримўтказгичлар негизида фотогальваник эффектга асосланган фотоўзгартиргичлар ва фотодатчиклар яратиш истиқболлидир. Куб симметрияли яримўтказгичларнинг қатор физик хусусиятлари уларнинг ҳажмидаги заряд ташувчиларнинг сочилиш механизмларига боғлиқ бўлиб, бу соҳада баллистик ва сирт фотогальваник эффект ҳамда икки ўлчамли электронли ҳолатларни тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларда, жумладан, «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш»да яримўтказгичли наноструктуралардаги фотонли кинетик ходисаларни ўрганиш бўйича муҳим натижалар олинди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини ривожлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига, жумладан, уч ва икки ўлчамли электронли системалардаги физик жараёнларни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда жаҳонда нанотузилмали яримўтказгичларда юз берувчи физик жараёнларни чуқур ўрганиш борасида, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади: куб симметрияли яримўтказгичларда баллистик ва сирт фотогальваник эффекти шартларини ҳамда икки ўлчамли электронли ҳолатларни аниқлаш; квант ўраларининг фотонли кинетик хоссаларини, ўлчамли квантлашиш эффектларини, заряд ташувчилар сочилиш механизмларини, квазизарралар энергетик спектрини қутбий фотогальваник эффектларда таққослаш; мураккаб валент зонали яримўтказгичлар ва уларнинг нанотузилмаларидаги заряд ташувчилар билан қутбланган нурланишнинг ўзаро таъсирини ҳамда электронли, оптик ва фотогальваник хоссаларини аниқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонини, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сон «2017-2021 йилларда Электротехника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Шундай қилиб, яримўтказгич ва яримўтказгичли ўлчамли квантлашган структураларда электронли ҳолатларни ҳамда фотонлар ютилишидаги ассимметрия ва фотоуйғотилган заряд ташувчилар импульси релаксацияси билан тавсифланувчи оптик ва фотогальваник эффектларнинг миқдорий назариясини тадқиқ қилиш долзарбдир ва **илмий-амалий истиқболга эга**.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг «III. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш» устувор йўналишига доир бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳажмий яримўтказгич ва унинг ўлчамли квантлашган структураларида оптик ва фотогальваник эффектлар тўғрисида тадқиқотлар жаҳоннинг илғор мамлакатлари илмий тадқиқот марказлари ва университетларида олиб борилмоқда. Хусусан, А.М.Гласс (АҚШ) ва В.М.Фридкин (Москва, Россия) томонидан бир жинсли сегнетоэлектрикларда фотогальваник эффект экспериментал тадқиқ этилиб, намунанинг бир жинсли кутбланган ёруғлик билан ёритилганида аномал катта стационар фотокучланиш 20 соатдан ортиқ кузатилган.

Бу ҳодисани тажрибада К.Х.Херман (Германия) ва А.Ф.Гибсон (АҚШ) *GaP* да, Г.Рибоков ва А.А.Гунджиан (Канада) ҳамда А.А.Рогачев (Санкт-Петербург, Россия) теллурда, Ж.М.Довиак ва С.Котари (АҚШ), С.Д.Ганичев (Дортмунд, Германия), А.В.Андрианов ва И.Д.Ярошецкий (Санкт-Петербург, Россия) *p-GaAs* да кузатишган.

Россия ФАнинг мухбир аъзоси Е.Л.Ивченко, профессорлар Г.Е.Пикус, Н.С.Аверкиев (Санкт-Петербург, Россия) ва В.И.Белиничер, И.Д.Стурман, Л.И.Магарилл ва М.В.Энтин (Новосибирск, Россия) раҳбарлик қилган бир гуруҳ олимлар томонидан циркуляр ва чизикли фотогальваник эффектлар механизмлари яримўтказгич ва сегнетоэлектрикларда назарий ўрганилган. Фотоэюк симметрия маркази бўлмаган бир жинсли муҳитлардаги заряд ташувчиларнинг фононлар, фотонлар ёки киришмаларда сочилиш актининг ассимметрияси билан боғланганлиги кўрсатилган.

Бугунги кунгача Ўзбекистон олимларидан Э.З.Имамов ва Р.Я.Расулов томонидан кутбланган ёруғлик ютилаётган куб симметрияли яримўтказгичлар ҳамда яримўтказгичли квант ўраларда электронни фотонли эргаштириш ва чизикли фотогальваник эффектининг механизмлари назарий ўрганилган.

Бу ҳолда қуйидагилар: а) яримўтказгич зонавий тузилишининг ўзига хослиги, масалан, валент зонасининг айниганлиги (*p-GaAs*) ва ўтказувчанлик зонаси тармоғининг «ўрқачсимон»лиги (*n-GaP*), шунингдек, чизикли фотогальваник эффектга когерентли тўйиниш эффектининг улуши; б) электронларнинг навбатма-навбат жойлашган ҳар хил баландликли потенциал тўсиқ ва ўралардан тузилган ассимметрик яримўтказгичли структуралардан ўтиш коэффициентининг осцилляцияланиш табиати; в) яримўтказгич зонавий тузилишининг ва ўлчамли квантлашишининг оптик хоссаларига таъсири; г) баллистик чизикли фотогальваник эффект токига бир

вақтда икки ва ундан ортиқ фотонлар ютилишининг таъсири; д) магнит майдоннинг сирт фотогальваник эффектга таъсири тадқиқ этилмаган. Ушбу диссертация бундай масалаларнинг назарий тадқиқига бағишланган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Фарғона давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф-2.1.69 «Яримўтказгичли квант ўраларда кутбланишган фотогальваник эффектлар» (2003-2007 йй.) ва ОТ-Ф2 «Яримўтказгичлар ва уларнинг ўлчамли квантланишган ўраларида кутбий оптик эффектлар» (2007-2011 йй.) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ФА Раёсати қошидаги фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш Фонди (ФПФИ) илмий тадқиқот ишлари режасининг 79-06 «Яримўтказгичлар ва яримўтказгичли наноструктураларнинг кутбланишган фотонлар иштирокидаги кинетик хоссаларини назарий тадқиқ этиш» (2006-2010 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади куб симметрияли яримўтказгичларда юз берувчи баллистик ва сирт фотогальваник эффектларнинг намоён бўлиш қонуниятлари ҳамда икки ўлчамли электронли ҳолатларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мураккаб зонали яримўтказгичда бир фотонли баллистик чизикли фотогальваник эффектнинг назариясини ишлаб чиқиш;

қўшни қатламларда электронлар эффектив массалари фарқланадиган яримўтказгичли қатламлардан ташкил топган структураларда электронли ҳолатларни ва тунелланишни назарий ўрганиш;

ярим чексиз яримўтказгичда электрон эффектив массаси анизотропиясининг сирт фотогальваник эффектга таъсирини тадқиқ этиш;

тетраэдр симметрияли яримўтказгичда баллистик чизикли фотогальваник эффект токининг спектрал ва температуравий боғланишини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти кетма-кет жойлашган потенциал тўсиқ ва ўралардан ташкил топган кўп қатламли яримўтказгичли носимметрик структуралар ҳамда *p-GaAs* тур ҳажмий яримўтказгичлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети фотонли кинетик жараёнлар, хусусан, чизикли кутбланишган ёруғлик билан ёритилган яримўтказгичларда сирт ва баллистик фототокларнинг ҳосил бўлиши ҳамда баландлик ва қалинликларига нисбатан носимметриявий тўсиқ ва ўралардан ташкил топган кўп қатламли яримўтказгичли структураларда электронли ташишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган масалаларни ҳал этишда квант механикаси ва физик кинетиканинг ҳисоблаш методлари, хусусан, Келдишнинг диаграммалар техникаси, ташиш матрицаси назарияси ҳамда зичлик матрицаси, қўзғалишлар назарияси, квант механикасининг олтин қоидаси ва Больцманнинг кинетик тенгламаси қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

ассимметриявий қатламли структураларда Бастард шартига асосан қўшни қатламлардаги электронлар эффектив массалари турли қийматли бўлгандаги электронлар ўтиш коэффициентининг осцилляцияси аниқланган;

*p-GaAs*да электрон-фонон ва электрон-фотон ўзаро таъсир ассимметриясига боғлиқ бўлган ҳамда зона тармоқлариаро бир фотонли ўтишларда кузатиладиган чизикли фотогальваник эффект токининг температуравий боғланиши учун математик ифода аниқланган;

мураккаб валент зонали яримўтказгичда электронларнинг фотон ва фононларда ассимметриявий сочилиши Келдиш диаграммалар техникаси методида ҳисобланган бўлиб, баллистик фототокнинг спектрал боғланиши ютилиш коэффицентининг спектрал боғланиши билан аниқланиши кўрсатилган;

баллистик фототок коваклар гамилтонианида тўлқин векторларига чизикли ва кубинчи даражасига мутаносиб бўлган ҳадларнинг эътиборга олиниши туфайли содир бўлиши кўрсатилган бўлиб, яримўтказгич зонавий параметрлар ишорасига боғлиқ ҳолда фототокнинг миқдоран ўзгариши аниқланган;

ташқи магнит майдонидаги кўп воҳали ярим чексиз яримўтказгичда температура ва частотага боғлиқ бўлган ҳол учун сирт фототокининг математик ифодаси келтириб чиқарилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

паст ўлчамли системалар ва симметрия маркази бўлмаган кристалларда физик кинетиканинг ҳисоблаш методларини ривожлантириб, улар чизикли фотогальваник эффект бўйича экспериментал натижаларни талқин қилишнинг мустаҳкам асослари яратилган;

яримўтказгичлар ва уларнинг ўлчамли квантлашган структураларида оптик ва фотогальваник ҳодисаларнинг келгуси назарий ва экспериментал тадқиқотлари стимуллаштирилган;

чизикли фотогальваник эффект асосида ишлайдиган яримўтказгичли фотоқабулқилгичлар ва оптик затворлар параметрларини оптималлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги олинган ҳисоблаш натижаларининг фотогальваника соҳасидаги етакчи мутахассислар томонидан бажарилган тажриба натижаларига мос тушиши, квант статистик физика ва физик кинетиканинг ҳисоблаш методларидан фойдаланилган математик ҳисоблашларнинг қатъийлиги, номувозанатдаги электронли системалар учун қаттиқ жисмлар назариясидаги диаграммалар техникасидан фойдаланилганлиги, текшириш объектининг тўғри танланганлиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти яримўтказгичларда чизикли ва сирт фотогальваник эффект токининг қутбланиш даражасига, спектрал ва температуравий боғланишлари, шунингдек, кўп қатламли ўлчамли квантлашган яримўтказгичли структураларнинг электронли хоссалари ҳақида янги маълумотлар беришида ўз ифодасини топган.

Ишнинг амалий аҳамияти оптик ва фотогальваник эффектлар қўлланилган қутбланган нурланиш регистрациясининг частотали диапазонини орттириш ва регистрацияни нафақат ёруғликнинг

интенсивлигига нисбатан, балки унинг қутбланишига нисбатан олиб бориш мумкинлигида ўз ифодасини топган.

Диссертацияда олинган натижалар «Электронлар эффектив массаси анизотропиясини ҳамда уларнинг фонон ва фотонлар билан ўзаро таъсирларидаги асимметрия эътиборга олинган уч ва паст ўлчамли электронли системаларида ташиш ҳодисалари» илмий йўналишини бойитган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Куб симметрияли яримўтказгичларда баллистик ва сирт фотогальваник эффекти ҳамда икки ўлчамли электронли ҳолатларни аниқлаш асосида:

фотогальваник эффект тадқиқотлари натижалари куб симметрияли яримўтказгичларда нозикли эффектларнинг электронли ҳолатларга боғлиқлигини ўрнатишда Россия фундаментал тадқиқотлар фонди (Санкт-Петербург Физика-техника институти) «Яримўтказгичларда нозикли ва дисперсиявий эффектлар» мавзули грант лойиҳасида дисперсиявий оптик ҳодисаларни ўрганишда фойдаланилган (Россия ФА А.Ф.Иоффе номидаги Физика-техника институтининг 2018 йил 15 мартдаги 11217-278/211.5-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ҳажмий яримўтказгичларда интенсивликка нисбатан нозикли фотонли кинетик ҳодисаларни назарий ўрганишга имкон берган;

ярим чексиз кўп воҳали яримўтказгичдаги сирт фототокининг температуравий боғланишлари 10/2000 рақамли «Яримўтказгичли кристаллар ва квант ўлчамли фотоуфотилган ва каналлашган ионларнинг экситон-поляритон люминесценцияси» мавзули грант лойиҳасида ўлчамли квантлашган яримўтказгичларда оптик ҳодисалар механизмини тушунтиришда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 10 октябрдаги ФТА-02-11/834-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш экситон-поляритонли оптик ўтишларга сирт ҳодисаларининг таъсирини ўрганиш имконини берган;

кўп қатламли яримўтказгичли структураларда Бастард шарти эътиборга олинган ҳолда электронли ҳолатларнинг назарий ҳисоблашлари Ф2-21 рақамли «Яримўтказгич-диэлектрик чегарасидаги сирт ҳолатлар зичлигини аниқлашнинг математик моделлаштириш» мавзули грант лойиҳасида яримўтказгич- диэлектрик контакти соҳасидаги ҳолатларни ўрганишда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 10 октябрдаги ФТА-02-11/834-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш контакт соҳасидаги икки ўлчамли электронли тизимлардаги кинетик ҳодисаларни назарий ўрганиш имконини берган.

Диссертация ишининг натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича асосий илмий натижалар жами 18 та илмий ишда чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 117 бетда келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Симметрия маркази бўлмаган яримўтказгичларда кутбий боғланган фотогальваник эффектлар**» деб номланган биринчи бобида яримўтказгичлардаги фотогальваник эффект (ФГЭ)ларга тегишли адабиётлар шарҳи ва феноменологиявий тавсифлар қайд қилинган. Бу бобда электронларнинг сочилиш жараёнларида содир бўладиган асимметрия ҳисобига яримўтказгичларда кузатиладиган фотогальваник эффект ёки заряд ташувчилар эффектив массаларининг анизотропиясига боғлиқ бўлган ҳолда кўп воқеали яримўтказгичларда намоён бўладиган сирт фотогальваник эффект бўйича ҳозирги вақтдаги ҳолатлари таҳлил қилинган.

Шуни қайд қилиш ўринлики, бу бобда икки фотонли фотогальваник эффект (ФГЭ)нинг умумий феноменологик муносабатлари ва айрим макроскопик назариясига тегишли масалалар қаралган. Бунинг учун ёруғликнинг интенсивлигига квадратик боғланган (J) фототок кутбланиш вектори ($\vec{e}$)га нисбатан қаторга ёйилган ва икки фотонли ФГЭ токи учун қуйидаги кўринишдаги ифода олинган:

$$j_{\alpha}^{(2)} = I^2 [A_{\alpha\beta\gamma\mu\nu} \frac{e_{\beta}e_{\gamma}^* + e_{\beta}^*e_{\gamma}}{2} \frac{e_{\mu}e_{\nu}^* + e_{\mu}^*e_{\nu}}{2} + iB_{\alpha\beta\gamma\lambda} (\vec{e} \times \vec{e}^*)_{\lambda} \frac{e_{\beta}e_{\gamma}^* + e_{\beta}^*e_{\gamma}}{2} + C_{\alpha\beta\gamma} (\vec{e} \times \vec{e}^*)_{\beta} (\vec{e} \times \vec{e}^*)_{\gamma}]. \quad (1)$$

Бу ерда $\alpha, \beta, \gamma, \mu, \nu, \lambda = x, y, z$. $[e_m e_n^*]$, $i(\vec{e}^* \times \vec{e})$ катталиклар ва $\vec{j}^{(2)}$ стационар ток ҳақиқий қийматли бўлганликлари учун (1)даги $A_{\alpha\beta\gamma\mu\nu}$, $B_{\alpha\beta\gamma\lambda}$, $C_{\alpha\beta\gamma}$ тензорлар ҳам ҳақиқий қийматлидир.


(1)нинг биринчи ҳади билан ифодаланган фототок ясси (чизиқли) кутбланган ёруғликкагина тегишли. $A_{\alpha\beta\gamma\mu\nu}$ тензор билан тавсифланувчи эффект, одатда, чизиқли кутбланган ёруғлик таъсирида кузатилганлиги сабабли уни икки фотонли чизиқли ФГЭ деб номлаш қулай. (1)нинг иккинчи ҳади билан аниқланувчи фототок эса бир вақтда эллиптик ва чизиқли кутбланган ёруғлик таъсирида намоён бўлади. Икки фотонли натижавий фототок мана шу (охирги) ҳол билан бир фотонли ФГЭда фарқ қилади. (1)нинг учинчи ҳади билан тавсифланувчи фототок эллиптик (циркуляр)

кутбланган ёруғликка тегишли. $C_{\alpha\beta\gamma}$ тензор билан тавсифланувчи эффект, одатда, циркуляр кутбланган ёруғлик таъсирида кузатилганлиги боис уникки фотонли циркуляр ФГЭ деб номлаш кулай.

Диссертациянинг «Яримўтказгичли қатламли структураларда электронли ҳолатларни ўлчамли квантлашишга эътибор олинган назарияси» деб номланган иккинчи боби хусусиятлари аниқ бир йўналишда ўзгарадиган муҳитда электрон тўлқинларининг тарқалиши назарий тадқиқ этилган. Эластик сочилиш жараёнларини ифодалаш учун, шунингдек, тўла энергияси ўзгармас қоладиган шартда ўзаро таъсирлашмовчи спинсиз зарраларнинг туннелланиши учун ёндашув бир электронли стационар Шрёдингер тенгламасига асосланган.

Кетма-кет жойлашган потенциал ўра ва потенциал тўсиқлардан иборат ассимметриявий структураларда электронли ҳолатлар назарияси қаралган. Қуйидаги натижалар олинган:

1. Электронлар де-Бройль тўлқинининг потенциал тўсиқ орқали ўтаётган оқимининг тўла оқимига нисбати каби киритилган $(t_{j,j+2})$ ўтиш коэффиценти $j \leftrightarrow (j+2)$ шакл алмаштиришга инвариантдир (1-расм). Бу электронларнинг потенциал тўсиққа қайси томондан ёндашишига боғлиқ эмаслигини англатади.



1-расм. Икки потенциал тўсиқли ассимметрик структура

2. Симметриявий структура ($U_j = U_{j+2}$) учун ўтиш коэффиценти қуйидаги кўринишни олади

$$t_{j \rightarrow j+2} = 4 \left\{ \left(1 + \frac{m_j}{m_{j+2}} \right)^2 \left[\left(1 - \frac{k_j m_{j+1}}{k_{j+1} m_j} \right) \left(1 - \frac{k_{j+1}^2 m_j}{k_j^2 m_{j+1}} \right) \sin \left[k_{j+1} (x_{j+1} - x_j) \right] \right]^2 \right\}^{-1}. \quad (2)$$


Бу ерда m_j - j тартиб рақамли қатламдаги электроннинг эффектив массаси

$$k_j(x) = k_j = \sqrt{\frac{2m_j}{\hbar^2} (E - U_j)}, \quad j = 1, 2, 3, \dots$$

3. Ассимметриявий (симметриявийда ҳам, бироқ ҳар хил структуранинг қатламларида электронларнинг эффектив массалари ҳар хил бўлса) $t_{j \rightarrow j+2}$ коэффицентнинг, яъни туннелланиш эффектнинг ҳам, потенциал тўсиқ тиниқлик коэффицентининг ҳам спектрал боғланишида осцилляция кузатилиши керак.

Бу осцилляция потенциал тўсикдан қайтаётган электрон де Бройль тўлқинларининг интерференцияси билан тавсифланади ва унинг амплитудаси потенциал тўсиқ ва унга қўшни потенциал ўрадаги электронлар тўлқин векторларининг фарқи, яъни $(\tilde{k}_{j+1} - \tilde{k}_j)$ ва $(\tilde{k}_{j+2} - \tilde{k}_{j+1})$ билан аниқланади.

Таъкидлаймизки, структурадаги бундай интерференцион ходиса структуранинг ҳар хил қатламларидаги электронлар эффектив массалари ҳар хил бўлган симметриявий структурада ҳам йўқолмайди. Бу ҳодиса фақат тўсиқ параметрлари билан назорат қилинади. Табиийки, у бундай структура тўсиғи остидан ўтаётган электронлар учун $k_{j+2}(x_{j+2} - x_{j+1}) \gg 1$ (ёки $k_{j+2}(x_{j+2} - x_{j+1}) \ll 1$) бўлган ҳолда йўқолади. Натижада, потенциал ўрадаги ўлчамли квантлашиш ҳисобига бундай структурада у орқали ўтаётган электронларнинг туннелланишида интерференцион ҳодисалар кузатилмайди.



2-расм. Тўғри бурчакли асимметрик потенциал тўсиқли структура

Охирги муносабатларни 2-расмда тасвирланган структурага нисбатан таҳлил қилинса, у ҳолда қуйидагиларга ишониш қийин эмас:

эффектив массанинг миқдоран камайиши рухсат этилган энергетик сатҳларнинг ортишига олиб келади;

потенциал тўсиқ қалинлиги ва чуқурлигининг ортиши рухсат этилган энергетик сатҳларнинг паст энергиялар соҳаси томон силжишига олиб келади;

энергетик сатҳларнинг натижавий силжиши бундай эффектлар суперпозицияси билан аниқланади. Бундай ҳолда эффектив масса улуши, одатда, қатлам параметрларининг таъсиридан кичик бўлади.

Натижада эффектив массаси кичик бўлган қатламда электронларнинг асосий ва уйғотилган ҳолатлари орасида энергетик фарқ юзага келадиган яримўтказгичли структурани яратиш мумкин. Бу ҳол, масалан, резонансли туннелли диоддан ўтаётган токнинг унга тушаётган кучланишга ўзаро боғлиқлигидаги ўзига хосликни ўрганишда қўлланилади.

Электронларнинг яримўтказгичли кўп қатламли структураларда сочилиш ҳамда туннелланиш жараёнлари назарий таҳлил қилинган.

Икки потенциал тўсиқли яримўтказгичли структураларда электронли ҳолатлар қаралган. Бунда электронларга энергиявий рухсат этилган ҳолатларнинг таҳлиллари бажарилган.

Электронларга тегишли де Бройль тўлқинларининг кетма-кет жойлашувчи потенциал ўра ва тўсиқлардан ташкил топган структурада тарқалишига оид умумий масалалар ёритилган. Ўзаро таъсирлашмайдиган

спинсиз микрозарраларнинг эластик сочилиши (ёки туннелланиши) тўғрисидаги масала ечимига нисбатан назарий ёндашув Шредингернинг стационар тенгламасини ечишга асосланган. Бунда ташиш матрицаси методидан фойдаланилган ҳолда электронларнинг туннелли боғланган потенциал тўсиқлари мавжуд структуралардаги электронларнинг энергетик спектрлари ҳисобланган. Хусусан, бир ўлчамли потенциалда локаллашган ток ташувчиларнинг стационар ҳолатлари $T_{11} = 0$, яъни ташиш матрицаси диагонал элементининг ноль бўлиш шартидан аниқланади. Агар потенциал тўсиқлар баландликлари электронларнинг энергиясидан катта бўлганида, уларнинг энергетик спектри қатламларнинг ўлчамларига боғлиқ ҳолда квантлашади.

Бобнинг тугал қисмида хулосалар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пьезояримўтказгичларда бир фотонли қутбий фотогальваник эффектлар**» деб номланган учинчи бобида ёритилишнинг ножинслилиги билан эмас, балки симметрия маркази бўлмаган кристаллардаги эркин заряд ташувчиларнинг фотон, фонон, киришмалар билан ассимметриявий ўзаро таъсири билан боғланган фотогальваник эффект (ФГЭ) тадқиқ этилган.


Квант механикавий таҳлил асосида симметрия маркази бўлмаган яримўтказгич (очиқ намуналар)да чизиқли қутбланган ёруғлик таъсирида ҳосил бўладиган фототок билан боғланган чизиқли фотогальваник эффектнинг механизмлари табақалаштирилган. ФГЭ токига улуш берадиган: а) бир зона ичидаги; б) зоналараро оптик ўтишлар гуруҳлаштирилган. Бу ерда, аслида, фотоннинг даставвал ютилиши, сўнгра нурланиши билан тавсифланувчи индуцирланган фотонлар билан боғлиқ жараёнларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Мураккаб валент зонали яримўтказгичдаги чизиқли фотогальваник эффект (ЧФГЭ)га тегишли фотонли механизмнинг миқдорий назарияси қурилган бўлиб, унинг фотонли механизмига нисбатан олинган назарий натижалар *p-GaAs*да кузатилган эксперимент натижалар билан солиштирилган. Кўрсатилганки, симметрия маркази бўлмаган яримўтказгичда баллистик чизиқли фотогальваник эффект (БЧФГЭ) ковакларнинг фотон билан (БЧФГЭнинг фотонли механизми) ёки фонон билан (БЧФГЭнинг фононли механизми) ўзаро таъсир операторларида турли жуфтликли ҳадларнинг мавжудлиги билан тушунтирилади. Чизиқли фотогальваник эффект фотонли механизмининг *p-GaAs* даги токи ҳисобланган ва назарий ҳамда экспериментал натижалар солиштирилган. 3-расмда бу фототокни тавсифловчи $\chi(T)$ катталиқнинг коваклар концентрацияси $p = 7,4 \times 10^{16} \text{ см}^{-3}$ ҳамда $T > 200 \text{ К}$ бўлгандаги назарий ва экспериментал боғланишлари *p-GaAs* учун келтирилган. Бу ҳолда назарий боғланиш

$$\chi(T) \sim T^{-3/2} e^{-E^*/kT} \frac{aN_{\Omega} + b(N_{\Omega} + 1)}{2N_{\Omega} + 1} \quad (3)$$

каби ифодаланган. Бу ерда $a = b = 3,4 \times 10^{-24} \text{ sm}^{-3} / Wt$, $N_{\Omega} - \hbar\Omega$ энергияли фононнинг тақсимот функцияси, $E^* = \frac{m_{hh}m_{lh}}{m_{hh} - m_{lh}}\hbar\omega$, $m_{hh}(m_{lh})$ -оғир (енгил) ковакларнинг эффектив массаси, $\hbar\omega$ - фотон энергияси.

Таъкидлаймизки, чизикли ФГЭ бир фотонли механизмида χ температуранинг ортиши билан монотон тарзда ортиши керак. Паст температуралар соҳасида фототокка асосий улушни киришмалардан уйғотилаётган заряд ташувчилар беради. Кўриняптики, бу ҳолда фототок ўз ишорасини ўзгартиради.



3-расм. Коваклар концентрацияси $p = 7,4 \times 10^{16} \text{ sm}^{-3}$ бўлган $p\text{-GaAs}$ учун чизикли ФГЭ токининг температуравий боғланиши: квадратлар $10,6 \mu\text{m}$, доиралар эса $9,5 \mu\text{m}$ тўлқин узунликли ёруғлик учун тажриба натижалари.

Баллистик чизикли ФГЭнинг фотонли механизмига тегишли назарий натижалар бўлиб, узлуксиз чизик $\lambda = 9,5 \mu\text{m}$ учун, ромблар $\lambda = 10,6 \mu\text{m}$ учун қайд қилинган.

Назарий боғланишнинг экспериментал боғланишга нисбатан силжиши бошқа механизмларнинг мавжудлигидан далолат беради. Бу ҳол алоҳида ҳисоблашларни талаб қилади.

Эркин заряд ташувчиларда ютилиш соҳасида $p\text{-GaAs}$ учун чизикли ФГЭ токининг микдорий ҳисоблашлари кўрсатадики, фононли ва фотонли механизмлар фототокка микдоран тенг улушлар беради. Ҳар бир улушларнинг абсолют қийматлари тажриба натижаларидан 2,5 мартадан ортмайдиган тарзда бўлади. Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган механизмлар $p\text{-GaAs}$ да нафақат температуравий боғланишни, балки чизикли ФГЭ токини микдоран тавсифлай олади.

Фототокнинг паст температуралар ($T < 300 \text{ K}$) соҳасига келсак, у ҳолда тажриба натижаларининг таҳлилидан келиб чиқадики, у нейтрал акцепторлар (Zn). N_a^0 концентрациясига пропорционалдир. Киришмаларнинг уйғонишига боғлиқ бўлган фототок фотоэлектронлар тақсимот функциясининг киришма октупол моменти ҳисобига содир бўладиган ассимметрияси билан тушунтирилади. Юқорида қайд қилинган механизм учун A_3B_5 кристаллардаги фототок

$$j_\alpha = IN_a R(\omega) Q e_\beta e_\gamma |\delta_{\alpha\beta\gamma}|, \quad (4)$$

ифода билан аниқланади, бу ерда Q - киришманинг октуполь моментини тавсифловчи доимийлик. Бундай ФГЭ токининг тажрибада кузатилган натижаларини тавсифловчи ҳисоблашлардан фойдаланган ҳолда Q доимийликнинг миқдорини аниқлаш мумкин. $GaAs$ учун $Q/e = 2,5 \cdot 10^{-33} \text{ см}^3$. Q нинг бу миқдори назарий баҳоланган $Q/e = (a_0/4)^3 = 1,33 \cdot 10^{-33} \text{ см}^3$ миқдорга яқиндир.

Назарий ҳисоблашлар кўрсатадики, фототок нафақат $\chi(T)$ катталик ёрдамида, балки узунлик бирликли ҳамда намунанинг зонавий параметрлари билан аниқланадиган $L^{(v)}$ катталик билан тавсифланади. Хусусан, электрон-фотонли ўзаро таъсир ассимметрияси эффектив гамильтонианда $\vec{k}$ га нисбатан асосий квадратик $H_{k^2}(\vec{k}) = -\left[\left(A + \frac{5}{4}B\right)k^2 - B(\vec{j} \cdot \vec{k})^2\right]$, ҳадлардан ташқари, $\vec{k}$ га нисбатан куб ва чизикли: $D \sum_\alpha J_\alpha k_\alpha (k_{\alpha+1}^2 - k_{\alpha+2}^2), \quad \frac{4}{\sqrt{3}} k_0 \sum_\alpha k_\alpha [J_\alpha, J_{\alpha+1}^2 - J_{\alpha+2}^2]$ ҳадларни ҳам эътиборга олиш талаб этилади. Бу ерда k_0 ва D - яримўтказгичнинг зонавий параметрлари, $A \pm B = \hbar^2 / (2m_{hh, lh})$, $J_\alpha - Y_m^{3/2} (m = \pm 3/2, \pm 1/2)$ базисга тегишли бурчакли момент операторлари матрицалари, $[J_\alpha, J_\beta]$ -бурчакли момент матрицаларининг симметриявий кўпайтмаларини англатади, $\alpha, \beta = x, y, z$. k_0 доимийлик қатор кристалларда $(1 \div 6) \cdot 10^{-10} \text{ eV} \cdot \text{см}$ қийматлар қабул қилади. Агар k_0 нинг $p\text{-GaAs}$ учун ушбу қийматларидан фойдаланилса, у ҳолда намуна CO_2 -лазер билан ёритилганида ($\hbar\omega = 0,12 \text{ eV}$) ҳамда хона температурасида $L_1^{(1)} = (0,2 \div 1,4) \cdot 10^{-8} \text{ см} = (0,15 \div 1) X_{\text{exp}}$ бўлади, бу ерда $X_{\text{exp}} = 0,17 \cdot 10^{-7} \text{ см}$. Бу баҳо шуни кўрсатадики, баллистик чизикли ФГЭ токига каваклар эффектив гамильтонианидаги $\vec{k}$ га нисбатан чизикли релятивистик ҳад эътиборга олинишида содир бўладиган ковак-фотонли ўзаро таъсир ассимметрияси ҳисобига бериладиган улуш тажриба натижаларига яқин бўлади.

Шунингдек, $\vec{k} \parallel [011]$ ҳолда $p\text{-GaAs}$ учун қуйидаги параметрларда: $|D'| = 3,25 \cdot 10^{-23} \text{ eV} \cdot \text{см}^3$, $B = 3,25 \cdot 10^{-15} \text{ eV} \cdot \text{см}^2$ ($m_{lh} = 0,068 m_0$, $m_{hh} = 0,12 m_0$) $L^{(3)} = 4,2 \cdot 10^{-8} \text{ см} = 2,7 X_{\text{exp}}$ натижани оламиз. Бу ерда таъкидлаймизки, таҳлил

этилган адабиётларда эффектив гамильтонианда тўлқин векторга нисбатан чизиқли ва кубли ҳадлар олдидаги зонавий параметрларнинг ишораси тўғрисида маълумот берилмаган. Шу сабабли фототокка D ва k_0 доимийликларга мутаносиб бўлган улушлар ҳақида аниқ бир мулоҳаза юритиш қийин.

Бироқ, агар D катталик мусбат, k_0 эса манфий ишорали деб олинса, у ҳолда фототокка берилган натижавий улуш тажриба натижаларига яқин бўлади. Агар у катталиклар бир хил ишорали бўлса, у ҳолда фототокка берилган натижавий улушнинг модули тажриба натижаларидан сезиларли фарқ қилади.

Ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, зонавий параметрлар миқдоран бир хил бўлса, у ҳолда фотон энергиясининг ортиши билан фототокнинг максимуми миқдоран ортиб, катта температуралар соҳасига силжийди. Масалан, $m_{hh}=0,68m_0$, $m_l=0,12m_0$ ҳамда $\hbar\omega=117\text{ meV}$ ҳолларда фототокнинг фононларнинг нурлантирилишига боғлиқ максимуми $T=120\text{K}$ да, фононларнинг ютилишида эса $T=360\text{K}$ да кузатилади. $\hbar\omega=130\text{ meV}$ ҳолда фототокнинг фононларнинг нурлантирилишига боғлиқ максимуми $T=180\text{K}$ да, фононларнинг ютилишида эса $T=420\text{K}$ да кузатилади.

Фотон энергиясининг ортиши билан фототокнинг фононлар ютилишига боғлиқ максимал қиймати деярли ўзгармайди, фононларнинг нурланишида эса 1,1 марта ортади. Таъкидлаш жоизки, оғир ковак эффектив массаси ($m_{hh}=0,12m_0$) ва фотон энергияси ($\hbar\omega=117\text{ meV}$) ўзгармаган ҳолда енгил ковак эффектив массасининг (масалан, $4/3$ мартага) ортишида, фототокнинг фононларнинг нурланишига оид максимуми тақрибан 1,6 марта ортади ва катта температуралар соҳасига силжийди. Бу ҳолда фототокнинг максимуми миқдоран деярли ўзгармайди (аниқроғи 1,08 мартага камаяди), бироқ бу ҳолда ҳам катта температуралар соҳасига силжийди. Ниҳоят, таъкидламоқчимизки, фототокнинг назарий ва экспериментал температуравий боғланишлари $m_{hh}/m_l=1.135$ ҳолда бир-бирига яқин бўлади, бироқ фононларнинг ютилишига боғлиқ улуш сезиларли бўлади.

Шунингдек мураккаб зонали яримўтказгичда когерентли тўйиниш ҳодисаси эътиборга олинганида чизиқли ФГЭнинг содир бўлиши назарий таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Кўп воҳали яримўтказгичда сирт фотогальваник эффект**» деб номланган тўртинчи боби кўп воҳали яримўтказгичда сирт фотогальваник эффектининг назарий тадқиқотида бағишланган бўлиб, унда электронларнинг сиртдан кўзгули қайтишда содир бўладиган сирт ФГЭ токини ҳисоблаш имконини берувчи умумий муносабатлар келтирилган. Бу ҳолда Больцман тенгламаси ечилган, электромагнит тўлқин электр майдон кучланганлигига нисбатан иккинчи тартибли яқинлашишда тақсимот функцияси аниқланган. Шунингдек, кўп воҳали яримўтказгичда эргаштириш токи ҳисобланган.

Электронлар тақсимот функциясининг кўп воҳали ярим чексиз германий ёки кремний каби яримўтказгичда сирт фототокини ҳисоблаш имконини берувчи номувозанатли ҳади ифодаси олинган. Бу ҳолда электронларнинг сиртдан ҳам кўзгули ва ҳам диффузияли сочилиши эътиборга олинган. Шунингдек, фототокнинг икки: фотон импульсига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган ҳадлари ҳисобланган. Улар ёрдамида чизиқли (ёки циркуляр) фотогальваник эффект ва фотонли эргаштириш эффекти токлари таҳлил қилиниши мумкин. Бундай фототоклар ҳам спектрал ва ҳам температуравий боғланишлар табиати билан бир-биридан фарқ қилади. Шунингдек, уларнинг кузатилиши тажрибанинг геометрияси ва ёруғликнинг қутбланиш даражасига боғлиқ бўлади.

Шунингдек, ярим чексиз яримўтказгичда баллистик фотоэюк ёруғлик интенсивлигига тўғри мутаносиб бўлиб, фотоэлектронларнинг тезлигига, заряд ташувчилар эркин югуриш вақти ва йўлига боғлиқ бўлиши кўрсатилган. Заряд ташувчиларнинг сиртдан кўзгули қайтишига боғлиқ фотоэюк ёруғликнинг ютилиши сезиларли бўлган ва заряд ташувчилар эркин югуриш йўли катта бўлган намуналарда ҳажмий эюкдан миқдоран катта бўлиши мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, чизиқли сирт ФГЭ токи билан бир вақтда фотонли эргаштириш эффекти токи ҳамда спинга боғлиқ ток (спингальваник эффект) ҳам содир бўлиши мумкин. Охирги эффект ёки спин ориентирланган заряд ташувчиларнинг қарама-қарши сиртлардан ассимметриявий сочилиши билан ёхуд спинларнинг диффузияси ёки релаксацияси ҳисобига содир бўлиши мумкин.

ХУЛОСА

Куб симметрияли яримўтказгичларда баллистик ва сирт фотогальваник эффекти ҳамда икки ўлчамли электронли ҳолатларни тадқиқ қилиш асосида куйидаги хулосалар қилинди:

1. Бастард шарти эътиборга олинган ҳолда ассимметрияли структуралардаги потенциал тўсиқлар тиниқлик коэффиценти учун ифода, икки ўлчамли электронларнинг туннелланишидаги осцилляцияни кузатиш шартлари аниқланган.

2. Симметрия маркази бўлмаган яримўтказгичда баллистик чизиқли фотогальваник эффект ковакларнинг фотонлар ўзаро таъсир операторида ҳар хил жуфтликли ҳадларнинг мавжудлиги туфайли содир бўлиши кўрсатилган.

3. p -GaAs валент зонаси оғир ва енгил коваклар тармоқлариаро оптик ўтишлар эҳтимоллиги ассимметриясига боғлиқ баллистик фототокнинг температуравий ва частотали боғланиши учун математик ифода олинган бўлиб, бунда зонавий параметрларнинг ишоралари ҳисобига фототокнинг миқдоран ўзгариши кўрсатилган.

4. p -GaAsда экспериментал кузатилган фототокнинг температура ортиши билан экстремум орқали ўтиши коваклар гамилтонианида тўлқин векторларига чизиқли ва кубинчи даражасига мутаносиб бўлган зонавий параметрларнинг қиймати ва ишораси билан боғланганлиги кўрсатилган.

5. Релаксация вақти яқинлашишида ярим чексиз кристалл сиртидан кўзгули ёки диффузиявий сочилаётган электронларнинг номувозанатдаги тақсимот функцияси билан аниқланадиган фототок ҳисобланган. Сиртдан диффузияли сочилаётган электронлар тақсимот функцияси фақат уларнинг энергиясига боғлиқлиги ва электронлар тўлиқ оқимининг нолга айланиш шарти билан аниқланиши кўрсатилган.

6. Заряд ташувчилар энергетик спектрининг анизотропиясини эътиборга олиб, қутбланган ёруғлик ютилишида ярим чексиз кўп воҳали яримўтказгичдаги сирт фототокига ташқи магнит майдон таъсири аниқланган. Бу ҳолда сиртдан электронларнинг лармор орбитаси радиусига тенг масофада фототокнинг мужассамлашган бўлиши кўрсатилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.02.2018.FM.60.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ АНДИЖАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РАСУЛОВ ВОХОБ РУСТАМОВИЧ

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ БАЛЛИСТИЧЕСКОГО И
ПОВЕРХНОСТНОГО ФОТОГАЛЬВАНИЧЕСКОГО ЭФФЕКТА И
ДВУМЕРНЫХ ЭЛЕКТРОННЫХ СОСТОЯНИЙ В
ПОЛУПРОВОДНИКАХ КУБИЧЕСКОЙ СИММЕТРИИ**

01.04.10 – Физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИХ НАУК**

Андижан – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.2.PhD/FM83.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.adu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Каримов Иброхим Набиевич
доктор физико-математических наук

Официальные оппоненты:

Имамов Эркин Зуннунович
доктор физико-математических наук, профессор
Гулямов Гафур
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана.

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.28.02.2018.FM.60.01 при Андижанском государственном университете. (Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Университетская, дом 129. Зал конференций Андижанского государственного университета Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного университета (зарегистрирована за № ____). (Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Университетская, дом 129. зал конференций Андижанского государственного университета. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz)

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 г.
(протокол рассылки № _____ от «__» _____ 2018 г.)

С.З.Зайнабидинов

Председатель научного совета
по присуждению ученой степени, д.ф.-м.н., академик

А.О. Курбанов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученой степени, к.ф.-м.н.

М.З. Носиров

Заместитель председателя научного семинара при
научном совете по присуждению ученой степени,
к.ф.-м.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире в интенсивном развитии физики полупроводников играют важную роль полупроводники кубической симметрии. Создание фотопреобразователей, фотодатчиков на основе таких полупроводников, работающих на базе фотогальванического эффекта, интенсивно развивается. Ряд физических свойств полупроводников кубической симметрии зависит от механизмов рассеяния носителей заряда в его объеме, исследование баллистического и поверхностного фотогальванического эффекта и двумерных электронных состояний является одной из важнейших задач в этой области.

В нашей стране получены заметные результаты в приоритетных направлениях науки, в том числе, по «Развитию использования источников возобновляемой энергии», в исследованиях фотонно-кинетических явлений в полупроводниковых наноструктурах. В стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан уделено особое внимание развитию научных исследований и инновационной деятельности, задачам создания эффективных механизмов внедрения в практику научных и инновационных достижений, в том числе исследований физических процессов в трех и двумерных электронных системах.

На сегодняшний день в мире большое внимание обращается на физические процессы в полупроводниковых наноструктурах, в том числе важнейшими задачами являются реализации целевых научных исследований по: определению баллистического и поверхностного фотогальванического эффекта в полупроводниках кубической симметрии, а также двумерных электронных состояний; сопоставлению фотонно-кинетических свойств квантовых ям, эффектов размерного квантования, механизмов рассеяния носителей заряда, энергетических спектров квазичастиц в поляризационных фотогальванических эффектах; определению взаимодействия поляризованного излучения с носителями заряда полупроводников со сложной валентной зоной и их наноструктур, а также электронных, оптических и фотогальванических свойств.

Настоящее диссертационное научное исследование в определенной степени служит ответственному выполнению задачи, предусмотренной в ряде указов и постановлений Президента страны, в том числе в Указе Президента № УП-4947 «О мерах по дальнейшей реализации Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» от 7 февраля 2017 года, и в Постановлениях Президента № ПП-1442 «О приоритетных направлениях развития индустрии Республики Узбекистан на 2011-2015 гг. « от 15 декабря 2010 года и № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере и изложенных в соответствующих законодательных актах.

Таким образом, исследование электронных состояний и создание количественной теории оптических и фотогальванических эффектов, обусловленных асимметрией акта поглощения фотонов, процессов релаксации импульса фотовозбужденных носителей заряда, как в полупроводниках, так и в полупроводниковых размерно-квантованных структурах является **актуальным** и имеет **научную практическую перспективу**.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий: «III. Развитие использования источников возобновляемой энергии».

Степень изученности проблемы. Исследования оптических и фотогальванических эффектов в объемных полупроводниках и в их размерно-квантованных структурах проводятся в университетах и научно-исследовательских центрах ведущих стран мира. В частности, А.М.Гласс (США) и В.М.Фридкин (Москва, Россия) экспериментально наблюдали аномально большое стационарное фотонапряжение в однородном сегнетоэлектрике при однородном освещении поляризованным светом более чем 20 часов. Перенос заряда в течение нескольких часов столь большой, что возможность объяснения данного явления с помощью релаксации полей в кристаллах полностью исключается.

Такое явление экспериментально исследовано К.Х.Херманом (Германия) и А.Ф.Гибсоном (США) в *GaP*, Г.Рибаковсом и А.А.Гунджианом (Канада) и А.А.Рогачевым (Санкт Петербург, Россия) в теллуре, Дж.М.Довиаком и С.Котари (США), С.Д.Ганичевым (Дортмунд, Германия), А.В.Андриановым и И.Д.Ярошецким (Санкт Петербург, Россия) в *p-GaAs*.

